

**ТИЛШУНОСЛИКДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИ.
СТАНОВЛЕНИЕ ТЕОРИИ ПЕРЕВОДА В ЛИНГВИСТИКЕ.
THE FORMATION OF TRANSLATION THEORY IN
LINGUISTICS.**

Юсуфжонова Шахло Мухторовна

ФерГу, Кафедра немецкого и французского языков

дотцент, f.f.f.d., (PhD)

usufzonovasahlo@gmail.com

Анотация: ушбу мақола таржимада миллий ва маданий хусусиятлар доирасида фразеологик бирликларнинг тавсифланиши, уларнинг луғатларда таржима қилиш муаммолари масалаларига асосланган.

Аннотация: данная статья посвящена вопросам описания фразеологических единиц в рамках национально-культурных особенностей при переводе, проблемам их перевода в словарях.

Anotation: this article is based on the issues of the description of phraseological units within the framework of national and cultural characteristics in translation, the problems of their translation in dictionaries.

Калит сўзлар: миллий хусусият, маданий хусусият, фраза, лексема, морфема, синтактик боғланиш, лисоний бирлик.

Keywords: national trait, cultural trait , phrase, lexeme, morpheme, syntactic linkage, linguistic unit.

Ключевые слова: национальная черта, культурная черта, словосочетание, лексема, морфема, синтаксическая связь, языковая единица.

“Таржимачилик XX асрга келибгина оммавий тус олди ва муайян қолипда шаклланди. Айнан таржимашуносликнинг ёрдами билан филология илмида таржима назарияси вужудга келди, мустақил фан тармоғи сифатида шаклланди ва илмий жамоатчилик томонидан тан олинди. Пировард натижада дунё

миқёсида турли таржима ва таржимашунослик мактаблари юзага келди”, деб ёзади таниқли олим М.Холбеков. Таржимашунос олим Ғ.Саломов “Таржима тил билган ҳар бир кимса ҳам шуғулланаверадиган юмуш эмас, балки фан ва санъатидир” дея таъриф берган.

Дарҳақиқат, бошқа фан соҳалари каби таржимашуносликнинг ҳам ўз қонун-қоидалари мавжуд бўлиб, бунда фан, санъат ва тафаккур уйғунлашади. Таржимон асарнинг туб моҳиятини англамай, қаҳрамонлар дунёқарашини тўлиқ ҳис қилмай туриб, асарда қўлланган сўз ва ибораларнинг муқобилини тўғри танлай олмайди, ўзи англаб етмаган асар руҳиятини ўзгаларга етказиб беролмайди. Айниқса, ўзбек ва Европа тиллари матнларини ўзаро таржима жараёнларида миллий-маданий белгилар мос келмаслиги кўп учрайди. Бу ҳолат тилнинг турғун бирикмалари – иборалар, тасвирий ифодалар ва мақол-маталлар таржимасида янада долзарблашади. Тилнинг турғун бирикмалари шаклан синтактик қурилишли бўлиши билан бирга мазмунан умумий семантик бутунликка эгадир.

Ўзбекистонда таржима амалиёти, таржимашуносликнинг назарий масалалари билан шуғулланиш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг ривожланди. Ўзбек олимларидан Ж.Шарипов, Ш.Шомухаммедов, Ғ.Саломов, Н.Комилов, И.Ғофуров, Н.Владимирова каби йирик мутахассислар ўз мақола ва рисоалари билан таржимашунослик назарияси шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Таржима жараёнида маълум ўзгаришлар – услуб ва ифодадаги муайян йўқотишлар рўй бериши мумкин, булар кўпроқ экстралингвистик воситалар, аниқ ёки яширин тарзда миллий менталитетни у ёки бу даражада ифода этган бирликлар мазмунида кузатилади.

Таржима ва таржимашуносликнинг асосий масалаларидан бири икки тил бирликлари ўртасидаги эквивалентлик муносабатларини ўрнатишдир. Асарларда қўлланилган ва амалиётга жорий қилинган узул ҳолатда

(оқказионал эмас) мавжуд эквивалент тил бирликлари асосида муқобиллик ўрнатиш талаб этилади.

Тилнинг миллий-маданий характерга эга бўлган бирликлари таржима жараёнида алоҳида эътибор ва ёндашувни талаб қилади. Миллий-маданий белгига эга бўлган бирликларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Шахс маъносини билдирувчи миллий-маданий характердаги бирликлар. Масалан, ўзбек тилида мавжуд бўлган *худо зўрми, қудо(а) зўрми* фразеологик бирлиги ҳатто ўзбек тилининг ўзида ҳам шаклий ва мазмуний номуносибликка эга бўлиб, бу бирлик талқинида тўлиқ шаклий ёндашув ниҳоятда катта хатоликларни келтириб чиқаради.

2. Нарса-буюм маъносини билдирувчи миллий-маданий характердаги бирликлар. Масалан, ўзбек тилида эркак кишига нисбатан *бел(-им/-инг/-и/-имиз/-ингиз)да белбоғи(-им/-инг/-и/-имиз/-ингиз) бор* шакли нафақат ахборот бериш, балки бутунлай бошқа мазмун – прагматик тушунча ифодалайди. Бу мазмуннинг англаниши миллий-маданий хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, таржима жараёнларида соҳа мутахассиси агар бу билимларга эга бўлмаса, матн мақсади етарлича етказиб берилишни таъминлай олмайди.

Маълумки, XX асрнинг бошларида, асосан биринчи жаҳон урушидан сўнг Европада чет тилларни ўрганишга эътибор кучайди. Мамлакатлар ўртасида савдо-сотик, иқтисодий алоқалар ва коммерцияни ривожлантириш, иш фаолиятига махсус даражага эга бўлган дипломли савдогарларни жалб қилиш мақсадида олий савдо ўқув юртларида иқтисодий лингвистика ривожлантирилди. Профессор М.И.Умарходжаевнинг ёзишича, бундай йўналиш ривожига катта ҳисса қўшган олимлардан бири бельгиялик Александр Сникерсдир. Унинг фикрича, “савдо ва иқтисодиёт тили терминлари (атамалари) жуда кам ўрганилган соҳадир, айниқса, чет эл савдо-сотик қоидалари она тилидагиси билан солиштириб ўрганилиши лозим. Уларни механик тарзда бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиб бўлмайди, талабалар соҳа атамаларининг “руҳига киришлари” лозим”, дейди олим.

Ўтган асрнинг 80-йилларида германиялик таржимашуносларнинг тадқиқот натижалари “Fremdsprachen”, “Übersetzungs-wissenschaftliche Beiträge”, ҳамда “Linguistische Arbeitsberichte” каби қатор нуфузли илмий журналларда эълон қилиб борилди. Булардан ташқари 1996, 2001, 2006 йилларда ташкил этилган халқаро илмий конференцияларда “Grundlegen der Übersetzungswissenschaft” – яъни таржимашуносликнинг асосий масалалари мунтазам муҳокама қилиб борилди. Бир вақтлар таржимашунослик назариясига контрастив лингвистика нуқтаи назаридан таржимашунос А.Нойбертнинг сўнгги йиллардаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир. “Таржимашунослик, – дейди А.Нойберт, – фактларда кўпроқ контрастив лингвистика йўналишида олиб борилди. Бундай тилшуносликка ўта йўналтирилган йўналиш фақатгина собиқ ГДР олимларигагина хос эмас, балки таниқли АҚШ олимлари Найда ва Бритель Кетхордларга ҳам хос эди”. Олимнинг таъкидлашича, бундай йўналишда ижтимоий-маданий хусусиятлар, текст турларининг ўзига хос томонлари, стилистик хусусиятлари тўлиқ очилмай қолади.

Шу билан бирга таржимашунослик ҳаётда амалий аҳамиятга эга бўлган турли фанлар иштирокида шаклланаётган ёш фанлар сирасига киради. Унда қатор илмий, амалий масалалар ўз ечимини кутмокда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.М.Холбеков.Германистика ва романистиканинг тарақиёти ва келажаги
Ўз.дав.нашр,Бухоро,2008,72-бет
- 2.Umarho’jayev, M.Olmon tili leksikologiyasi va frazeologiyasi.Andijon 2010.
3. К,Жураев.Таржима саънати.Тошкент\ \ «Фан»нашрети,1982 йил,6-бет
- 4.Ғ.Саломов Таржима назариясига кириш.Т,1978 йил,179-бет
- 5.“Мастерство перевода” –1966,.М.,1968,471– 472 бетлар
- 6.Mirsoatov,T.Deutsche Grammatik,Verlag (“O‘qituvchi”),Taschkent 1980
7. Sattorov,M., Mirsodiqova,D., Safarov,O. Otning grammatik xossalari va old ko‘makchilarning qo‘llanishi,Toshkent 2003